



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 8-avgust • №32 (4275)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҒУРУР ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Юртимиз шаҳар ва қишлоқлари муҳташам майдонлар, сокин хиёбонлар, равон кўчалар, сўлим боғлар билан тобора кўрамлашиб бормоқда. Манзарали дарахтлар, тароватли гуллар билан безанмоқда, мунаққаш фавворалар экинларида камалаклар жилоланади. Бу гўзалликка уйғун маҳобатли ҳайкаллар салобати юртдошларимиз ғурурини юксалтирмоқда. Хиёбонларда қад ростлаётган бу ҳайкаллар аслида қалбларнинг тўридан жой олмоқда, қалбларда юксалиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек ҳайкалтарошлик санъати янги

тараққиёт босқичига қадам қўйди. Сиймолар, мавзулар, тарихлар талқини янгича, тўғрироғи, ўзининг аслида намоён бўлди. Миллий тарихимиз ҳайкалтарошлар, меъморлар учун туганмас илҳом манбаига айланди. Юртбошимиз санъат аҳлини қўллаб-қувватлаб, ижодий ишларга катта рағбат кўрсатди. Натижада ўтган қисқа давр мобайнида ҳайкалтарошлик санъатида миллий руҳ билан йўғрилган бетакрор ҳайкаллар, улугвор меъморий обидалар бунёд этилди.

Давоми иккинчи саҳифада.




Ифтихор

КЎЗИ ТЎҚ ХАЛҚ

Тошкентдан
Самарқандгача...

Хизмат сафари билан яқинда Самарқандга бордим. «Афросиёб» тез юрак поездиди. Вақт — 2 соати 10 дақиқа. Ана шу икки соат ичида қарийб эллик йиллик воқеалар хаёлимдан ўтди. Шу йиллар давомида бу йўлдан неча марта ўтганимни ҳисоблашнинг илоҳи йўқ, албатта. Уша пайтлардаги поездлар эсимга тушди. Аввало, у пайтларда билет олишнинг ўзи бир азоб эди. Поездга чиқсангиз одам кўпчилигидан, вагонлар ифлослигидан, бадбўй хидлардан нафас олиб бўлмасди. Ётиб кетиш у ёқда турсин, ўтиришга имкон бўлмас, кўп ҳолларда Тошкентдан Самарқандга тик оёқда бориб келардик. Вақт эса 8 соат, боз устига поезд кечаси юрарди. Демак, тунги дам олиш ўрнига 8 соат тикилиш вагонда тик туриб келиб, тўғри ё ўқишга, ёки ишга борардик. Поезд дега-нимиз тошбақариш қилиб, ҳар бир катта-кичик бекатда тўхтаб ўтарди. Одамлар кўп ўхшатишлар топган эди-да: «Поездининг охири вагони жойидан қимирлар-қимирламас олдинги вагони тўхтади». Бекатларнинг ном-

ларига эътибор беринг: Ломакин, Обручев... Булар кимлар бу ерларга уларнинг нима дахли бўлган? Проводникларнинг эринчоқлик билан мудраб айтган «Ломакин, Лома-



кин, тушадиганлар тайёргарлигини кўрсин», деган гаплари ғашимизни келтирарди. Вагонларда ёз кунлари иссиқдан нафас олиб бўлмас, қишда эса совуқдан дир-дир титтардик. Агар проводник марҳамат қилиб кимга-

дир бир пиёла иссиқ чой берса, шундан бахтли одам йўқ эди. Чунки у пайтларда бир вагонда бир проводник (аксарияти ёши катта кишилар) бўларди ва йўловчиларга тузукроқ муомала қиладигани кам топиладди...

«Афросиёб»да кетар эканман, шулар хаёлимдан кечди ва ўзимча ўйлайман: нахотки шу воқеаларни ўзим бошимдан кечирган бўлсам. Ҳа, шундай, бу эртақ эмас, бор гап. Шундай кунларни кўрдик. Агар ўша пайтлар кимдир «Вақти келиб шу йўллардан шундай поездлар юрадики, унинг вагонлари полига гилам солинган, юмшоқ ўриндиқлари бир-икки кишилик, йўловчиларга ёгулик, шарбат, хоҳласанг чой, истасанг қаҳва (дарвоқе, у пайтларда қаҳванинг ўзи йўқ, кўпчилик эшитган бўлса ҳам ўзини кўрмаган эди) беради, бир вагонда бир неча экранда кино, концерт кўрсатади, поезд Тошкентдан Самарқандгача 2 соати 10 дақиқада боради, унинг тезлиги соатига 270 километргача чиқади», деса ҳамма ўша одамга шубҳа-қўрқув аралаш қарар, бу одамнинг томи кетибди, дўхтирга кўрсатиш керак, деб унга раҳми келган бўларди.

Давоми олтинчи саҳифада.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИ ГАЗЕТАМИЗ МЕҲМОНИ

Йўл довонга ўрлаб, юқорилагани сари ортдаги манзара яхлитлашиб, яққол, худди қафдагидек кўриниб қолаётган. Шунинг учун бир иш қилиб довол ошилган, ўша маррада туриб ортдаги манзарани равшан қўриб, сўнг кейинги ишларга киришсанг маъқул бўларкан.

Улугворчи, турли миллатларнинг серкирра ҳаётини теран образларда ҳаққоний акс эттирувчи бадий баркамол асарларни чоп этиш орқали халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маданий юксалиши, миллий тафаккурининг такомиллашиши учун



КАТТА ҚАРВОН ЙЎЛЛАРИДА

Хуллас, назаран яна бир довол-дамиз. Балки бунди довол эмас, муайян бир марра дейилар, ҳарқалай, кичик сарҳисоб билан келажакка юзланмоқ учун баҳона бор — шукри, «Жаҳон адабиёти» журнаlining 206-сонини нашрдан чиқди.

1997 йил 27 феврал санаси билан белгиланган «Жаҳон адабиёти» журнаlining ташкил этиш тўғрисида»ги Вазиirlар Маҳкамасининг Юртбошимиз имзолаган қарориди тахририят зиммасига «Истиқлол ғояларига мос ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ғояларни

маънавий муҳит ҳозирлаш», «жаҳондаги адабий-бадий жараёни ҳолис ва ҳаққоний таҳлил қилиш орқали ўзбек адабиётининг янги ижодий тажрибалар орттириши учун шароит яратиш»дек долзарб вазифалар юкланган.

Орада 17 йил вақт ўтди. Бир инсоннинг туғилиб, навқиронликка етай деган айна ўсиш-ўзгариш палласи. «Маънавий жасорат соҳиби» дея алқанган беназир устоз Озод Шарафидинов раҳнамолигида иш бошлаб, журнал қиёфаси — мазмун-мундарижасини, шаклу

шамойилини шакллантириб, саккиз ярим йил муқаддам илк довол босиб ўтилди, яъни 100 китоб чоп этилди. Шарқ Фарб адабиёт дунёсининг вақт синовларидан ўтган энг сара намуналари — қадимий дунёсидан то XXI асргача кечган адабий жараён, оқим, йўналишлардаги инсонпарварлик ғояларига мос, халқимизнинг маданий юксалиши ва миллий тафаккур ривожига хизмат қиладиган бадий баркамол асарлар журнал саҳифаларидан жой олди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИ



Шу йилнинг 23-27 июл кунлари Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган спортнинг таэквондо тури, ИТФ йўналиши бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати беллашуварларида голиб бўлган ёшларимиз: турнирнинг мултоқ голиби, иккитадан олтин медални қўлга киритган Жаҳоқир Мирзаев ҳамда Жаҳонгир Рашидов, биттадан олтин ва иккита бронза, иккита кумуш медал соҳиби бўлган Умид Ирисматов, бош мураббий Шухрат Хўжаев шунингдек, чаққон ва довурак қизимиз Диёра Шавкатоваларнинг етти икким спортчи ёшлари ўртасида қўли баланд келиб, ёруғ юз билан кўкрак кериб туришларига ҳавас қилмай бўладими?!

«Фольклор» атамаси «халқ донолиги», «халқ донишмандлиги» маъноларини англатади. Ушбу атома инглизча folk — халқ ва lore — донолик сўзларидан ясалган.

Фольклорнинг ижодкори халқ. Халқ заковатини ўзида мужассам этган, ўзбек халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ёзиб олиш, ўрганиш ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Ўша даврлардаёқ ўзбек фолькло-

Ўзбек адабиёти ва жаҳон

ган мазкур нашрга ўзбек халқ оғзаки ижодидан рус тилига маҳорат билан ўғирилган таржималар жамланган. Тўпلامдан деярли барча асосий жанрларнинг энг яхши намуналари жой олган. Адабиётшунос олим Т.Мирзаев ва Ф.Хамраевнинг «Халқ туйғу-

«БАРҚ УРГАН АТИРГУЛЛАР ИФОРИ»

рининг айрим намуналари жаҳон халқлари тил-ларига таржима қилиниб, чоп этилган эди. Чунончи, венгер сайёҳи Х.Вамбери 1867 йили Лейпцигда нашр қилган китобида юздан ортиқ ўзбек халқ мақолларини, «Юсуф ва Аҳмад» достонидан парчаларни немисча таржимада ўзбекча матн билан бирга босирган.

Бу жараён асло сусайгани йўқ — ўзбек халқ оғзаки ижодига, адабий ёдгорликларга жаҳон халқларининг қизиқиши тобора ортиб бораёттир. Чунончи, Москвадаги «Художественная литература» нашриётида босмадан чиққан «Аромат расцветающих роз. Фольклор и литературные памятники Узбекистана» номли салмоқли нашр фикримизга бир далилдир.

«МДХ адабиётлари дурдоналари» туркумида чоп этилган мазкур китобнинг илк саҳифаларида қалин, сифатли қоғозда ўрта асрлар миниатюра санъатимизнинг ўн бешта намунаси босилган. Кейинги саҳифаларда филология фанлари доктори, профессор Фарит Мухаметшиннинг «Ўлмас халқ ёдгорлиги» мақоласи берилган. Унда муаллиф, жумладан, шундай ёзади: «Таниқли ўзбек фольклоршунослари туз-



ларининг соф олтинлари» мақоласида ўзбек фольклори, уни тўплаш ва ўрганиш тарихи, бу борада рус ва ўзбек олимларининг амалга оширган ишлари, халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари каби мавзуларда русийзабон китобхонларга батафсил маълумотлар берилган.

Чунончи, «Меҳнат қўшиқлари», «Ишқ-муҳаббат қўшиқлари», «Лапарлар», «Ҳажвий ва ҳазил қўшиқлар», «Термалар», «Ёр-ёрлар», «Ўланлар», «Маросим қўшиқлари», «Алла-лар», «Йигилар» китоб мундарижасидан алоҳида-алоҳида туркум сифатида ўрин олган бўлса, дostonлар — «Рустамхон», «Кунтуғмиш» ҳамда «Эртақлар» ва «Мақоллар» махсус номланган фаслларда берилган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг рус тилига таржимасида заҳматкаш мутаржим А.Наумовнинг хизматлари жуда катта. «Аромат расцветающих роз» китобидаги меҳнат ва ишқ-муҳаббат қўшиқлари, лапарлар, ҳажвия ва ҳазил қўшиқлар, терма ва ёр-ёрлар, ўланлар, маросим қўшиқлари, алла ва йигилар таржимаси ана шу моҳир таржимон қаламига мансуб.

Адиба УМИРОВА

ЁРУҒ ХАЁЛ

БАТАН
БАҒРИДА...

Беланчақдай тебранар майин,
Далаларда олтин бошоқлар.
Шабдалар эсгани сайин,
Қўларимга ёш тўла бошлар.

Ой нурлари тўкилар бесас,
Ўз-ўзимга шивирлайман жим:
Бу дунёда яшаш осонмас,
Сен ҳар доим бардам бўл, кўнглим.

Бобом айтганидай ҳўрсиниб,
Муқим эмас экан ҳеч нарса.
Зангор осмон бормоқда тиниб,
Англаб бўлмас дунёни сира.

Қадим кўшиқларни ёдга сол,
Ва юракдан айла муҳтарам.
Фақат Она, Ватан қўйнида,
Одам ўзин сезар хотиржам.

ОНА

Болаларинг кўзингдан ўтар,
Айтинг келар баҳор сеҳрини.
Бу йил ҳам сув оқизиб кетар,
Дарахдаги сўнгги беҳини.

Хаёлларинг ёқар танчани,
Умидларинг айланар кузга.
Қўлингдан гулдор нимчани
Иллинасан қай биримизга?

Кўримайди қишининг адоғи,
Қуриб борар тинка-мадоринг.
Бу дунёда қолмади чоғи
Бир мени деб чекмаган зоринг.

Ўйласанг-чи, ўзингни, онам,
Қўнайибди сочингданга оқ.
Оёғингни иссиқ тут ҳар дам,
Кўз нурингни асрагин кўпроқ.

Ногоҳинг йўл қарайди ҳар кун,
Қулоғингга гап қирмайди ҳеч.
Ўйонасан қўшлардан олдин,
Юлдузга қўл силқийсан ҳар кеч.

Миллатнинг дардини кўтармоқ учун,
Елкамда марднинг кўтармоқ учун,
Шу тупроқда қайта кўкармоқ учун,
Дунёга келганман билсангиз, агар.

Сўзимда оламини этадирман жам,
Кифтинги тутаман келганида ғам,
Қизим деб суйса ҳам ё суймаса ҳам,
Мен суйиб бораман Тангрига қадар.

Бағрини ёритган мангу хаёлман,
Ўзидан бошқага фақат малолман,

Гурури осмондан баланд аёлман,
Бир шохи эгилса, кўксимга тегар.

Қадрини билмаган қанча майса хор,
Қанчаси кўнглини тополмай бедор,
Келиб-кетганидан нима маъни бор,
Рухимни уйғотиб яшолмасам гар!

ЎҒЛИМ

Дунё ўзин ўзларини айтгар,
Сен ҳам асло бўшама бир зум.
Гоҳ дил берсанг, тош бўлиб қайтар,
Номардга ҳам мард бўлгин, ўғлим.

Ўқтам булар йигитнинг нори,
Борар йўлни билмаган, олов.
Агар лозим бўлса шу элнинг
Мушкуллари осон эт дарров.

Садоятдан афзалроқ бурч йўқ,
Омад ёрлар дилда одамга.
Она ерни севишдан ортиқ,
Бахт бормикан ёруғ оламда?

Камтарликка не етсин, болам,
Ботирларга ҳосид номуе-ор.
Бошингдан зар сочиб турса ҳам,
Соф қалбингни бой берма зинҳор.

Эртаю кеч ўзини уйлар,
Ҳавас қилма, бунга, ўзи тий.

Унутилиб кетар кўрқоқлар,
Довжарлар қолар абадий!

КЕТМАНГ

Кетманг, сизни қайтиб кўраманми-йўқ,
Айтинг, яна қачон туташар йўллар?
Остонангиз узра тўкилар оппоқ
Кўксимда титраган бир қучоқ гуллар.

Номалум дунёга ташламанг қалбим,
Интизор бўлман изларингизга.
Ҳажрингиз ўтида ёниб севар ким,
Ким шодлик бахш этар кўзларингизга?

Соямиз қўшилиб сирлашар қайда?
Ёнимда бўлсангиз дейман ҳар нафас.
Агарда, билсангиз топпоқ олдида —
Йўқотмоқ у қадар қийин иш эмас.

Шу билан ташвишлар тугамас, албат,
Хайрлар ёдириб қийнаманг мени.
Афсусли, одамга бир бор муҳаббат,
Бир марта берилар ҳаёт дегани!

Адиба УМИРОВА 1980 йилда туғилган.

“Яшил тушлар”, “Қуёшга йўл”, “Ёруғ сирлар”
шеърини тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Азим Хайбарович икки ёрдамчисини эргаштириб аудиторияга кирганда «Ҳозир декан келади», деб шивирлаган талабалар «гув» этиб ўринларидан туришди ва жўр овозда салом беришди. Алик олинган, ҳозиргина «205га кўринглар», деган ўқитувчи раҳбариятни таништириб унга сўз берди. Факултет декани, аввало, йиғилганларнинг барчасини талабалик бахтига муяссар бўлганликлари билан табриклади, уларнинг келгуси ишларига омад тилаб, университетнинг ички тартиб-интизомлари ҳақида гапириб, мақсаддан оғишмаслиқни таъкидлади. Шундан сўнг рўйхат бўйича уларнинг ҳар бири билан танишишни бошлади. Азим Хайбарович таниша туриб, баланд бўйли, келишган, қош-қўзлари қол-қора, чайир бир боланинг исм-фамилиясини ўқиган сизга тикилиб қолди.

— Назаров, сиз қаердасиз?
— Нуробод тумани, Тим қишлоғиданман, — деди йма-нибгина йигит.

— Фолиб, ота-онангизнинг касби нима?
— Отам оддий ишчи, онам уй бекаси... — бошқа талабалардан фарқли, Фолиб ҳеч қаерда ишламайдиган, деҳқончилик ва чорвадан кун кўрувчи ота-онаси ҳақида гапирганда партиянинг тағига кириб кетгудек бўлмади. Азим Хайбарович «Наҳотки унинг ўғли бўлса?» дея қараб қолди. Аудитория ичи иссиқ бўлмаса ҳам, чўнтагидан дастурмолча чиқариб, бўйни ва пешонасини артди. Фолиб ажабланди: факултет декани нега бунақа тикилди?

Ота-онансининг ишонган тоғи бўлган ўқилиб икки йил деганда талабалик бахтига муяссар бўлганда. Ўғлининг ўқишини номусдай муқаддас санаган отаси ва умри қишлоқдан нарига чиқмай ўтаётган онасининг ягона умиди эди у. Ушанда йиғлаб юборган онаси ўғлини бағрига босиб:

— Фолибжон, отангнинг армонлари ҳаққи, сенинг ва укангнинг ўқиш учун бир умр ўйда «тўморқада» ишлаб, мол қарашга ҳам бўйинма, — деганди. Фолиб бу сўзларни бир дақиқа бўлсин ёдидан чиқармас, хотирасида байроқ қилиб кўтариб юрарди. У неки бир иш қилмасин, ортида отасининг армонли ногоҳи, онасининг маҳзун чехраси боқиб турганини ҳис этар, умри меҳнату заҳматда ўтаётган онаси учун ёруғлик бўлишга интиларди.

Кўнларинг бирида Азим Хайбарович Фолибни қабул-ига чакирди.

— Кеча ётоқхонага борганим, қоровул Тошпўлат ака кечки пайтларда бир ўзи қийнаётганини, иложи бўлса, ёрдамчи кераклигини айтди. Шунга сизни ўйладим, кечки соат олтидан то ўнгача Тошпўлат акага ёрдам беринг. Ўзингиз яшаётган жой, бегоналар киришига йўл қўйманг.

Фолиб аввалгига ҳайрон бўлиб, бироз гижиниб турган эди, бироқ охириги гапни эшитганидан кейин ўйлиниб қолди.

— Майли...

Буни эшитиб, Азим Хайбаровичнинг юзига табассум югурди.

— Бугундан иш бошланг, аммо бу ўқилингизга таъсир қилмасин. Сиздан умидимиз катта...

Фолиб деканатдан чиқар экан, яна ҳайрон бўлди. Азим Хайбарович нега унга бунча меҳрибонлик қилади? Бўлмаса, факултетда ундан бошқа тўрт юз талаба бор... У бунинг барчасини яхшиликка йўйди ва декан оилавий шароитимизни билгани учун ёрдам қиялпти, деб ўйлади. Уша кунни хонадони курсдошларига «Қоровулнинг олдида туриб келай...» деб Тошпўлат аканинг ёнига келди ва Азим Хайбарович юборганини айтди.

Роппа-роса бир ой тўлган кун Тошпўлат ака ўқилибга бир боғлам пул берди.

— Бу нима? — ҳайрон бўлди Фолиб.

— Ойлигинг.

Кўнлар, ойлар шу тарзда ўтар, Фолиб университетда устозлар эътиборига тушиб борар, ётоқхонадан ойлик олар, уйдан бир сўм ҳам пул сўрамас, ўз кунини ўзи кўрар, қишлоққа борганида ота-онаси ва укаларига совға берганида онаси кўзларида ёш билан «Болажоним-а, ўзингни қийнаб, кечаси қоровулликка тураёсанми», деб куюнар, ота эса худди бир ерда бир сир бордай ўйлиниб туриб, охири бунинг тағига етолмагач, ўғлининг ақлли тадбири ва Тошпўлат аканинг тантилигига қўйил қоларди.

— Ишқилиб, еган нонингни халоллаб юрин-да, болам... — дерди. Сўнг бир шаҳарга бориб, ўғлининг ўқиши ва яшаши тарзи билан танишишни ният қилар, аммо дарров фикри-

дан қайтар, «Ўғлимни хижолатга қўяманми...» деб ўйларди. Чунки бир оёғи тиззасидан йўқ эди. Чап томонида қўлтиқтаёқ билан юрадиган, автобус ва поездлардан қим-тиниб, одамларнинг раҳмини келтирмаслик учун ҳам у, одатда, уйдан узокқа чиқмас, неки юмуш бўлса, аёлига ишонарди. Фолибни биринчи марта шаҳарга олиб келган ҳам онаси эди...

Фолиб энди университетда ўтказилаётган илмий конференцияларда катнашар, маърузалар қиларди. Азим Хайбарович эса ундан умиди катта эканини таъкидлаш ва ил-хомлантиришдан толмасди. Учинчи курсга ўтганида яна ёнига чакирди:

— Фолибжон, биласиз, сизни доим кузатиб юраман. Ўқилингиз, ётоқхонадаги Тошпўлат акага қилаётган ёрдамларингиздан хабарим бор. Илмий конференцияларда чиқишларингиз ҳам яхши. Изланаверинг. Насиб бўлса, сизни ўзим факултетда олиб қоламан. Кўпроқ ўрганинг, илмий мақолаларни ҳам ўқинг. Шунинг учун сизга бир тақ-лифим бор. Манами, уни-верситет газетасида иш

Холиёр САФАРОВ

ОҚИБАТ

бор экан. Мусаҳҳиллик. Мусаҳҳиҳ нима иш қилишини биласиз-а? — Декан мусаҳҳиҳлик ҳақида батафсил тушуна бериб, — Ҳозир борсангиз, газетанинг муҳаррири сизни кутиб турибди. Боринг, шу иш билан ҳам шўғулланг, — деди.

Фолиб деканатдан олдингидан ҳам баттарроқ ҳайрат-ланиб чиқди. Баъзан бировнинг саломига алик олмайди-ган, кўрсаниб, бақариб қоладиган деканнинг унга бун-дай яхшилик қилишларига тушунолмади. Сўнг барча ўқитувчилар ўзларига бир-иккитадан ишончли шогирд ола-ди ва уларни ҳар жиҳатдан қўллабди, балки шундай қилаётгандир, деган хулосага келиб, университет газе-таси таҳририятига борди. Муҳаррир уни кутиб турган экан, яқиндан танишиб олгач, икки-учта мақолани қўлига тутқазди ва хатоларини тўғрилашни буюрди.

Фолиб кейинги икки ўқув йилини факултет ва таҳририят орасида ўтказди. Кечкурун ётоқхонада Тошпўлат қоровул ёнида бўлди. Энди унинг бўш вақти кам, аммо ўйлаш ва ўқиш учун имкони кўп эди. Яшаш тарзида муаммоси бўлма-ган ва икки жойдан маш, тагин стипендия ҳам олаётган Фолиб ортан пулларини ота-онасига бера, келажақда магистратурага ҳам кириб ўқиш ниятида юрарди...

Машқда қийналган — жангда доворак бўлади. Тўрт йил ҳам ўқиган, ҳам ўзини тоблаб келган Фолибга магистрату-рага кириш қийин бўлмади. Ўзини магистр талабалар рўйхатида кўрган Фолиб бу қувончли хабарни тезроқ ота-онасига етказиш учун қишлоққа қайтди. Ўғлининг ютуғи-дан қувонган ота тўрт йилдан бери кўнглига тугиб юрган нияти ижобат бўлганини англади ва ўша куннинг ўзидаёқ бир қўйни сўйиб, ўғли билан шаҳарга йўл олди...

Ота тезроқ факултет декани билан учрашишни орзу қилар, ўғлига қилган беминнат ёрдамлари учун раҳмат айтгиси келарди. Бироқ улар шаҳарга келгунларича қоровул тушди. Фолибнинг эса талабалар ётоқхонасидан бошқа борадиган жойи йўқ эди.

Улар ётоқхонага киришарканда Фолиб Тошпўлат акага халтадаги гўштни музлатгичга қўйишни, сўнг меҳмон келганини айтиб, гуруннга чиқишини сўради.

— Э, бу киши дадангми? — деди қоровул ҳайратланиб. Сўнг хато қилганини англадики ёки бошқа нарсани ўйла-дики, ўзига-ўзи минггирлаб «Ҳамма гап бу ёқда экан-да...» деб юборди. Фолиб бунни эшитмади.

— Тошпўлат ака, чиқинг. Отам билан гурунг қиласиз, — деди.

— Албатта чиқаман. Мени ҳам ўзи отангга айтадиган гапларим бор.

Ота яқин орада бундай зинадан чиқмаган эди, чарчаб хансираб қолди, аммо ўғлининг китоб тўла хонасига боргач барча чарчоқларини унутиб юборди.

— Энди, ўғлим, битта ош дамланглар. Ҳадемай анув амакин ҳам келиб қолади...

Фолиб ётоқхонадаги қизларга илтимос қилиб ош дам-латди. Хонадони дўстини бозорга чиқариб, яна ул-бул олиб келтирди. Орада Тошпўлат ака ҳам чиқди. У Фолибнинг отаси билан танишиб олгач, ўғли ҳақида қўп илқ гаплар айтди. Отанинг «Ўғлим билан шунча йил ишладингиз. Қан-дай бола ўзи у?» деган саволдан сўнг тўрт йилдан бери яшириб келаётган сирни айтиб қўйди.

— Исмнингизни Азамат ака дедингизми, — деди Фолибнинг отасига қараб. Тасдиқ жавобини ол-гач, сўзида давом этди. — Азамат ака, бугун бу ерга келиб яхши қилдингиз. Ўғлингизнинг яша-шини кўрдингиз, дўстлари билан танишдингиз. Эртага ўқиш жойини ҳам кўрасиз. Аммо мени қойил қолдирган нарсаси ўғлингиз эмас, унинг устози.

Ҳамма қотиб қолди. Фолиб бир Тошпўлат акага, бир ота-сига қаради, унга тикилиб турган хонадошига қўзи тушиб, елкасини қисди.

— Азамат ака, сизга айтсам, Фолибнинг устози Азим Хайбарович яқин дўстингиз экан... — деди. Сўнг Фолибга қараб: — Фолибжон, энди яширадиган сир йўқ. Бугун да-данга ҳаммасини айтганм. Азамат ака, сизга айтсам, аслида ётоқхонада қоровул бўлиб ишлагани йўқ.

— Ие? — деб юборди Азамат ака. — Қанақасига? Ахир ойлик олган-ку?

— Ҳамма гап шунда-да, ака. Ўша дўстингиз Азим Хайбарович Фолиб сизнинг ўғлингиз эканлигини билгач, мен-га келиб айтди: «Фолиб деган болани сизга ёрдамчи қилиб юбораман. У энди ишга кирганини, бўйида масъулият бор-лигини билсин, аммо иш-латманг», деди. Нега деса...

«Қоровулликда — бунақа «ёрдамчи» деган штат йўқ. Мен дўстимнинг хурмати ҳаққи, унга ёрдам бермоқ-чиман. Аммо менинг ёрдам бераётганимни у билмасин. Шунинг учун ёнингизга қўйилман. Сиз ҳар кун уни ишлатаётгандек ёнингизда олиб ўтиринг-да, кейин жа-воб бериб юборинг», деди. Ўртадаги ноқулай суку-нати Фолиб бузди:

— Менга ойликни ким берарди?

— Ойлик деб деканинг ёрдам пули берарди... Ахир, бирор марта ойлик учун бирор ҳужжатга қўл қўйганинг йўқ-ку?

— Астафурулло! — деб юборди Азамат ака. Фолиб эса бошидан совуқ сув қуйилгандек қарахт бўлиб қолди. Энди ҳаммасининг тағига етиш учун тезроқ декан билан учрашиш ва бунинг сабабини билиш керак эди.

— Деканинг Азим Хайбарович қаерлик ўзи? — деди Азамат ака қутилмаганда.

— У киши ҳам Нурободдан. Аммо қаеридан эканини билмайман. Бу билан қизиққанам йўқ. Билганим, у киши филолог эмас, педагогика факультетини битирган.

Азамат ака бирдан сергак торти.

— Ўнг қошининг устида холи борми?

— Ҳа.

Шундан кейин ота бошқа савол бермади. Негадир маъ-йус тортиб, чарчаганини айтди, тескари қараб ётиб олди.

— Фолиб, — деди Тошпўлат ака қоровулхонага қайтиш учун ўрнидан кўзгалар экан, — дадан билан Азим Хайбарович ўртасида бир гап борга ўхшайди.

— Мен ҳеч нарсаси тушунай қолдим... Балки универ-ситет газетасидаги ойлигим ҳам аслида ёрдам пулидир?

— Бунисини билмайман, — деди қоровул. — Билганим, деканинг мард одам экан. Мен ҳам виждонимга хилоф иш қилмадим, деб ўйлайман.

У шундай дея чиқиб кетди. Фолиб эса эшикка суянганча дастурхон бошида ҳайрон бўлиб ўтирган дўстини ҳам унут-иб, қароватда тескари қараб ётган ва негадир елкалари қимирлаётган отасига қараб қолди... «Отам йиғлаптими?», ўйлади у, аммо бориб қарашга юраги дов бермади...

Азамат ака ўша кеч ўғлига бошқа гапирмади. Ухлолма-ди ҳам шекилли, туни билан қаравот симлари қитирлаб чиқди. Эртаси факултетга чиқиб борар экан, негадир ҳажжонлар, қўлтиқтаёқ тутган қўллари даг-даг титрар, Фолиб эса отасига нимадир бўлаётганини сезса-да, ҳеч нарсаси сўролмас, фақат «Ота, чарчаб қолмадингизми?» дерди. Азамат ака деканатга етганида негадир тўхтаб қолди.

— Аввал бориб бил қани, деканинг ўзи шу ердамикан? — деди.

Фолиб «лип» этиб кириб, котибадан деканини сўради, хонасида эканлигини билгач, дарров изига қайтди ва отасини бошлаб кирди. Котиба Азим Хайбаровичнинг хонасига мўралаб: «Домла, сизга келишди», деди. Сўнг ортига ўгирилиб, «Киравераркан-сизлар», деди.

Аввал Азамат ака, изидан Фолиб декан қабулига кири-ши билан Азим Хайбарович ўрнидан туриб кетди ва икки қадам ташлагач таққа тўхтади.

— Азамат!..

Азамат аканинг тили айланмас, гўё юришга-да мадори йўқ эди.

— Дўстим... — Азим Хайбарович Азамат акага яқин кел-ди ва уни қучоқлаб олди. Гўё бир лаҳзада улар бутун ўтмиш-ни хотирлаб чиққандек курсига ўтириш ўрнига бир-бири-дан гина қила бошлашди.

— Азим, сендан жуда қаттиқ хафа бўлдим! Мен ўғлим ишляпти, ўзи пул топапти, десам сен ёрдам бериб юр-ган экансан-ку? Нега бундай қилдинг? Нега унга ўзингни танитмадинг? — деди Азамат ака дабдурустан. — Ахир, мен сени кечириб юборган эдим-ку?

— Қоровул гуллаб қўйибди-да? — деди Азим Хайба-рович. Сўнг уни ўтиришга тақлиф қилди. Қарама-қарши ўтириб олишгач, тик қолган Фолиб борлигига қарамас-дан, энди яширадиган сир қолганини учунми, декан очик сўз бошлади. — Йўқ. Сен мени кечирганинг билан ўзим-ни-ўзим кечиролганим йўқ. Ушанда сен мени қутқариб қолмаганингга балки ҳозир тўзакда ногирон бўлиб ётган бўлардим ёки... — Азим Хайбарович гапининг давомини гапиролмай қолди. — Ушанда... севганим ташлаб кетган, дунё кўзимга қоронғу, хуллас далли девонадай катта йўлдан келаётган эдим. Агар сен кўриб қолмаган-нингда ва келиб мени йўлдан итариб юбормаганингда ҳолим нима кечарди, билмайман. Сен эса мени қутқа-риб, ўзинг машина тағида қолиб кетдинг. Даволандинг, кейин ўқишни ташлаб кетдинг. Мен эса сени йўқлаб боролмадим. Ўқишларга, ишларга қалбим кетдим. Худо ҳаққи, оёбегини кестириб ташлаганингни билмас эдим. Мени кечир, Азамат. Фолибга нима қилган бўлсам, чин кўнглидан қилдим. Аммо ўзини танитмадим. Сабаби, кўнгли ўқимасин, дедим. У яхши бола. Университет газетасида ўзининг ҳам хизмати катта.

— У ерда ҳам ўзинг ойлик бердингми?

— Қўвер, муҳими бу эмас. Муҳими, ўғлинг билим-ли ва умидли мутахассисга айланди. Ўз билими билан магистратурага кирди. Энди унинг йўли порлоқ. Лекин, Азамат, мени бу ишлар учун кечир. Мен нима қилган бўлсам, ўғлингга яхши бўлсин, деб қилганман. Ўзимни танитмаганимнинг яна бир сабаби... баъзан ҳақиқат ва яхшилик сирли бўлгандагина мақсадга тўғри олиб боради... Дўстим, мен барибир олдинда гуноҳорман. Яна бир умидим, шу йўллар билан ўз гуноҳимни бироз бўлса-да ювиш эди...

Азамат ака ҳеч нарсаси деёлмади. Ўгирилиб ўғлига қараса, Фолиб йиғлаб ўтирибди. Бу қувонч кўз ёшими, ҳасратми билиб бўлмас эди. Бироқ, отасининг қўлтиқ-таёқда юриш сабабини, йигирма уч йиллик сирни бугун билаётган эди.

Холиёр САФАРОВ 1983 йили туғилган.

Самарқанд давлат университетининг ўзбек
филологияси факултетини тамомлаган. “Ой
ботмаган кечалар” номли илк ҳикоялар
тўплами чоп этилган.

Машхура НОРМАЕВА

БУҒДОЙДЕК СУЮКЛИ ШЕЪР ЁЗАМАНМИ?..

Илк танишув

Туғилдим қайноқ меҳрдан,
Қўчаларим кетди очилиб.
Тўқиз ойда тўплаган бахтим,
Шу лаҳзада учди сочилиб.

Бу ҳаётда энг ёруғ иқбол,
Манзилига боқлган йўлим.
Фақатгина поккан, ҳалол
Меҳнат учун очилган қўлим.

Мен бахт учун келдим дунёга,
Демак, менинг жуда кўп ишим.
Керак энди яна дунёдан,
Шу бахтимни йиғиб олишим.

НИЯТ

Умрим ўтапти, ўн еттидаман,
Ҳали арзирли бир иш қилганим йўқ.
Бекорчи гапиму шеъримга қараб,
Содда онагинам кўнглилари тўқ.

Ўзимча айтаман “Ҳали ёшман” — деб,
“Ҳали улгураман бирор бир ишга”.
Лекин беҳис ақлим айтмайди сира,
Ахир ёш муҳиммас шоир бўлишга.

Эринаман қалбни тинглашга баъзан,
Қалбимда шеърларим ўйнайди гўжон.
Айтолмаган шеърим увол кетмасми?
Хиёнат қилса гар бевафо бу жон.

Диёнатсиз дунё дардида яшаб,
Кўзидан ўрадим соат, пайтимни.

Бугундан эртага суриб борапман,
Ўзим яратажак буюк байтимни.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИ ГАЗЕТАМИЗ МЕҲМОНИ

КАТТА КАРВОН ЙЎЛЛАРИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Уларни таржима борасида маҳорат касб этган Озод домланинг ўзидан бошлаб Қодир Мирмуҳамедов, Иброҳим Ғафуров, Низом Комилов, Абдулла Шер, Файзи Шохисмоил, Амир Файзулла каби соҳанинг кўплаб юксак профессионаллари, она тилимизга ўгириб, жаҳон адабиётини ўзбекнинг ўз тилида ёзилгандек қабул қилишимизга имкон яратдилар. Агар бугун XXI аср 14-йилда туриб, Истиқлол тўғрисидаги илгари сурилган маънавият борасидаги илҳомлар самара бериб халқимизнинг дунёқараши ўзгарди, умуминсоний қадриятларга садоқат кўрсатиб жаҳон ҳамжамиятига юз тутди, миллий ўзлигини англаб, шу юрт — Ватан учун хизмат қилиш фуқаролик бурчи, қалб даъвати ва ифтихор манбаи бўлиб қолди деб айта оلسак, билим, бу ишларнинг барча-барчасидан бир ҳисса “Жаҳон адабиёти” журнаliga ҳам тегишлидир. Нафсиларини айтганда, ҳар қандай жамиятда инсонларнинг ўзлигини таниши, маънавий камолот, маданий-маърифий даража, микёс касб этиши билим, илму фан, адабиёт, санъат орқали бўлади. Шу соҳаларнинг аҳолига қараб мамлакатга, унинг фуқароларига баҳо берадилар, муносабат кўрсатадилар.

Янгилик эмаски, яқин-яқинларгача Ўзбекистон деганда хорижийлик аксар инсонлар дунёда шундай бир мамлакат борлигини билмас, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирган эмас эди. Аммо юксак меъморий санъат намуналари муҳассам бўлган Самарқанду Бухорони айримлари билар ё эшитган, ислом эътиқоди ва илмларидан баҳраманд кишилар эса Имом Бухорий, Марғиноний, Термизийлар номи, асарлари орқали юртимизни танири эдилар. Ўтган тарихан қисқа фурсат — қарийб чорак асрлик сана сийёсат, иқтисод, маънавиятни ислох этишнинг тарихий тажрибалари, илм-фан тадбири, санъату спорт намойиши ва шу жараёнларни оқилона бошқариш, тўғри йўналтириш, узлуксиз ривожлантириш негизиде Ўзбекистонни тараққий этаётган давлатлар доирасига олиб чиқиш имкониятларини намойиш этди. Мустақилликнинг илк даврдан ҳозиргача бардавомлиги тўғрисида юксалиш сўзи қўндалик сўз истифодамизда бот-бот мурожаат этилган, қўллаб-қувватлаш тўғрисида айланган қолди. Ана шу жараёнларда “Жаҳон адабиёти” журнаlining ҳам улуши бор, десак фикримизни маъқуллагувчилар кам бўлмас, албатта.

Касб талаби ва хизмат тақозоси билан хориж нашлаб олиб ўқиймиз, ўрганамиз, матбуотини мунтазам кузатамиз. Дунё гоё-эҳтиёжи билан эҳтиёжманд, инсоният маънавият танқислигидан озурада, худлараст тўйғулган, истакларнинг селобиде қалқиб бораётгандек туюлади.

Ҳа, бугун гоё ва гоёсизлик тантанасию фожиалари аён кўринаётган давр. Агар юқоридаги каби ҳолатлар гоёсизлигининг пировард оқибатлари бўлса, бугунги Хитой, бугунги Жанубий Корея ва бошқа қатор “Осиё мўъжизаси” дея аталаётган мамлакатлар мисолида ягона миллий гоёнинг ҳаётбахш кучи, тантанаси аққол намоеён бўлмоқда.

Умр бўйи хитойшунослик билан шуғулланган олим В.Буров бу кунги Чинмоҳин хусусида “Хитой орзуси”га хитойча йўл” номли мақолада ёзади: “Хитойни тиклаш умуммиллий манфаати, Хитой миллитини тиклаш — Хитой жамиятининг барча қатламларини бирлаштириб турибди. Тиклаш гоёси — бу умуммиллий гоёдир”. 2012 йил ноябрда мамлакат раҳбарлигига келган Си Цзиньпин “Хитой орзуси” деган янги назарий гоёни илгари сурди. Унинг маъносини давлатнинг гуллаб-яшнаши, миллатнинг тикланиши ва халқнинг бахт-саодатга эришмоғидан иборатдир... Ер юзи аҳолисининг олтидан бирини ташкил этувчи 1 миллиард 300 миллиондан ортиқ халқи бор мамлакатнинг умумжаҳон жараёнларига салмоқли таъсири

бўлмаслигининг ўзи мумкин эмас. Шунинг учун “Хитой орзуси”нинг рўёбга чиқмоғи бутун башарият тараққийотида хизмат қилади”.

Ўтган йил охирида Хитой раҳбари Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ва юртимизда деярли қўшни мамлакат билан икки томонлама тенг ҳамкорликнинг жуда кўп соҳаларда изчил ривожланаётгани “орзу”ларимизнинг муштараклиги билан белгиланса ҳам ажаб эмас. Чунки Хитой умуммиллий гоёсини англатувчи “Хитой орзуси” каби Мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол гоёси ҳисобланган озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш истигадига сай-ҳаракатлар ҳам миллий ўзликини тиклаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, изчил илҳомлар, янгилаш, яратиш ва бунёдкорлик негизидеги фақат ўзига хос ва ўзига мос йўлдир. Қарийб чорак аср аввал белгилаб олганимиз бу йўлдан биз ҳам оғишмай дадил кетаётимиз. Ана шу мақсадларда иқтисомий онг турларидан ҳисобланган адабиёт ва санъат ҳам амалдаги ўз миссиясини тўғри белгилаб олган.

Орзу ҳаёл ва ҳаёлот тушунчалари билан уйкаш келгани ҳолда миллий гоё кўпроқ ҳаракат, амалий жараён, интилиш иштиёқи каби мазмунларни тақозо этади. Айни чоғда ҳар икки тушунча ҳам инсонни ихлоқдорликка, яратувчиликка ундайди. Шу хусусиятларни ўзида жо этган Шаҳлар эса халқу миллатларнинг қаҳрамонлари, идеаллари бўлиб келган. Авлодлар мана шундай идеаллар мисолида, ибратиде тарбия толганлар, янги-янги тараққийот уфқларини белгиланганлар, чўққиларни забт этганлар. Бу жараёнлар ҳам вақти билан ўз идеалларини, замонавий ёки замондош қаҳрамонларини юзага чиқарган. Замонлар янгилашиб, илгариларини каби адабиёт, санъат ҳам тараққий топиб борган, янги-янги ихлодий тафаккур дарғалари етишиб чиққан. Адабиёт ва санъат шу тарика қаҳрамонлар, идеаллар яратиб борган. Аникроғи, уларни ҳаёт, жараён майдонга чиқарган, бадий ижод-ижодкор эса яна идрок этиб, сайқаллаб, керак бўлса бойитиб қайта жонлантирган, қайта яратган.

Ҳеч шубҳа йўқки, соғлом, ақлу ҳуши бор одам маёқ ёки идеалларсиз, интилим, изланмай, иштиёқланмасдан яшай олмайди. У қай бир мамлакат ё жамиятда яшамасин, ҳаётда ўз ўрнини излайди. Айниқса, навқирон, ёш паллада бу хусусият устувор бўлади. Агар инсон, хусусан, ёш авлод ўз идеалини аниқ билиб интилас, маёғини тўғри топиб изласа, у ўз зиммасига масъулият ола билади. Идеаллари ва шунга яраша ҳаракати, масъулияти бори, демак, қандай инсонга, ёшга ишонада бўлади. Ўр маънода ўз яқинлари, оиласини; кенг маънода жамоани, жамиятни, юрт — Ватанини. Бинобарин, ўша юрт, жамиятнинг ҳам умиди барқарор, эртаси, келажиги бўлади. Ана шундай ўй, мушоҳадалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон халқи юрт тўзатганидек, адабиёт, санъатимиз ҳам ўз вазифа — меъзорларини белгилаб, иш тутмоқда. Шу жумладан, аввалбошданок улкан вазифалар билан юкланган “Жаҳон адабиёти” журнаli ҳам жамиятимиз кишиларига, ёшларга ўз идеалларини, ўз қаҳрамонларини излашда, ўзлигини англаш ва ҳаётда ўз ўрнини топишда, энг оддий заррадан коинотга қадр бўлган оламларини қалби, тафаккурига жо этиб, ўз “мен”ини топишда, яратиш, бунёд этиш, атрофдаги бори жараёнларга дахлдорлигини ҳис этишда, дунёни ўзида муҳассам этиб, дунёга ўзлигини танитишда кўмакдош бўлиш тавшиши, юмушлари билан яшамоқда. Бир сўз билан айтганда, миллий гоёимизнинг тарғиботчиси, ташвиқотчиси бўлиб, маърифат, гўзаллик, бадий дид ва завқнинг ошфатси, яловбардори ўлароқ Ўзбекистоннинг буюк келажиги йўллариде камарбастади.

Шухрат РИЗАЕВ,
“Жаҳон адабиёти” журнаli
бош муҳаррири

Марио Варгас ЛЬОСА

Перулик адиб Марио Варгас ЛЬОСанинг замонавий ва тарихий мавзудаги “Яшил рангли уй” (1966), “Капитан Панталеон ва ҳолатбарорлар ротаси” (1973), “Ибодатхонадаги мулоқот” (1969), “Таканинг байрами” (2000) сингари романлари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинган. 2010 йили унга адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти берилган.

Ёзиш жўн иш эмас. Тасаввурдаги воқеалик сўзга айланиб, ўй-хаёллар қозғоғга тушганда, гоё ва образлар хира торгандек туюлади. Ҳўш, уларга қандай қилиб масиҳнафасини бериш мумкин? Толе кулгани қарангки, улғи олиш, этагидан тутиш учун сўз санъаткорлари, мураббийлар ҳамиша ёнимда бўлди. Флобер талант тарбиясида темир интизом ва чўнг ирода муҳимлигини кулоғимга қўйди. Фолкнер сюжетни бойитиш ва пишшиқ-пўхта қилишда шакл (услуб ва структура) муҳим ўрин туттишини ўргатди. Марторель, Сервантес, Диккенс, Бальзак, Толстой, Конрад, Томас Манн роман кўлами ва камрови сюжет чизигини маромига етказиш ва услубга сайқал беришдан кам аҳамият касб этмаслигини ўқитди. Сартр сўз қудратли куч экани, роман, пиеса ёки ҳикоя муайян даврда тарихни ўзгаришига қодир эканига ишонтирди. Камо ва Оруэлл ахлоқий қадриятлардан маҳрум адабиёт ҳайвоний истакларга йўл очиб беришдан огоҳ этди. Мальро эса эпос ва қаҳрамонлик мотивлари бугун ҳам аргонавтар, “Одиссея” ва “Илида” давридаги каби аҳамиятли эканини эслатди.

ШОҲБАЙТЛАР

Ҳўблар ўргансалар, тонг йўқ, Навоий назмин
Ким, аларнинг ҳусни онинг ишқидин топиш ривож.

Ўқи баским тандадур тегмас танимга ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

Ақлким барча хирад аҳлига эрди устод,
Бўлди ишқ абжоди таълимида тифли мактаб.

Эй кўнгул, соф айла сафҳангни тилар бўлсанг уруж
Ким, набиға ордур билмоқ саводу нанг хат.

Бир югуруқ тифл эрурким кўзларим ичинда ёш,
Ахтарур тўғки гойиб айлаган пайкон керак.

Эй Навоий, ишқ мушқил деб нечук таркин тутай,
Элга бу иш гар ҳунар бўлса, бўлубтур фан менга.

МИЛЛИОН-МИЛЛИОН ШАМНИНГ ШУЪЛАСИ

Атоқли олим, йирик жамоат арбоби, мохир таржимон, оташин публицист, “Жаҳон адабиёти” журнаlining ташкилотчиларидан ва биринчи бош муҳаррири Озод Шарафиддиновнинг мақолалари, суҳбатлари теран кузатишларга, ибратли фикр-мулоҳазаларга бой бўларди. Бундан ўн беш йилча бурун устоздан Жўра Худойбердиев ёзиб олган суҳбатда қиянда “Жаҳон адабиёти”да босилди. Куйида шу суҳбатдан айрим парчаларни ўқийсиз.

— Дунёда бошқа ҳеч нарсаси инсон шахсини шакллантириш ва улғайтиришда китобчилик катта рол ўйнамайди. Ўтган донишмандлар, мутафаккирлар, адиблар, шоирларнинг бирортаси йўқки, китобнинг ролига юксак таърифлар бермаган бўлсин. Уларнинг ҳаммаси китобни инсоният кашфиётлари ичидаги энг улғу неъмат деб ҳисоблашди. Австрия ёзувчиси Стефан Цвейгнинг бошдан-оёқ китобга бағишланган “Китоб — турфа дунёнинг очкичи” деган жуда зўр мақоласи бор. Унда китоб ҳақидаги теран ва батафсил мулоҳазалардан ташқари саводсиз, умрида бирорта китоб ўқимаган, умуман, ҳаёт танимайдиган одамнинг қиёфасини чизиб беради. Адиб ўзининг хайратини бундай ифодалайди:

“... қандай қилиб китоблардан эсувчи дунё шабадаларидан бебаҳра нафас олмоқ мумкин? Мен... китоб қишини билмайдиган ва шу вайҳан маънавият оламиндан ажралган одамнинг аҳволини тасаввур қилишга уриндим... Аммо бунча одамнинг миясини тасаввур қилолмадим, гаранг одам биров гапириб берганига қараб мусиканинг сеҳрли кучини англамаганидек, мен ҳам бутун умр давомиде бирорта китоб ўқимаган инсоннинг фикрлаш тарзини англай олмадим”. Мен 70 ёшлик умримда ўзим учун кашф этган энг муҳим ҳақиқатлардан бири шуки, китоб ўқимайдиган одам ўзини дунёдаги энг катта бойликдан маҳрум қилади.



Ҳўш, китоб одамга нима беради? Биринчидан, китоб билим беради, дунё ҳақида, турли мамлакатларнинг яшаш тарзи тўғрисида, уларнинг тарихи, жўғрофияси, иқтисоди, халқларнинг расм-русумлари тўғрисида бир умр хотирангиздан ўчмайдиган тасаввурлар беради.

Иккинчидан, “инсон” деган гоётда мураккаб, гоётда зиддиятли, гоётда тилсимли бир мавжудотнинг психологик, иқдорлари, олами идрок этиш, яшаш умн кураши, улғилиги ва забўнлиги, зўрлиги ва охишлиги ҳақида тасаввур беради. Буларнинг учинчидан, китоб сизнинг тўйғуларингизни тарбиялайди, эстетик дидингизни шакллантиради, табиатингизда дағаллик, шафқатсизлик бўлса, уларни юмшатади, қалбингизда эзгулик, олижаноблик япроқларининг ёзилишига йўл очади. Кўп китоб ўқиган одам китоб ўқимаганга қараганда дунёни бутунлай бошқача қимматда ва бошқача рангларида, бошқача нисбатларда қабул қилади.

— Хозирги пайтда “зиёли” деган сўзнинг баҳоси бироз тушиб кетгандек кўринади. Биз, умуман, ўқиган, маълумотли одамнинг ҳаммасини “зиёли” деб атайдиган бўлиб қолдик. Бу — тўғри эмас. Менимча, “зиёли” деган сўз ўқитувчи, инженер, шифокор ва ҳоказо каби касб эгаларининггина билдирмайди. Фақат ўқиган эмас, ўқимаган одам —

“Адабиётшунослик, фалсафа”

рақийот қилдираги орқага айланиб, инсонлар яна ибтидоий ҳаёт тарзига қайтиб кетмаслиги учун керак у. Одамлар воқеликка ҳаддан зиёд чўқур кириб бориб, мўътадил йўлдан тойиб кетмаслиги учун керак у. Инсон ўзи яратган ақли машиналарга қул ва хизматкор бўлиб қолмаслиги учун керак у. Бу дунё адабиётсиз идеаллардан мўсуво, жонсиз темиртан машиналар оламига айланади, инсонни инсон қилувчи, одамийликнинг жаҳари бўлган фазилатлар унутилади.

Тафаккур ва тасаввур мевадси бўлган адабиёт форлардан осмонлар биноларга қадр, сўйилган оммавий киргин қурилиш қадр, қабиливай ҳаётдан глобаллашув даврига қадр инсониятга муаллимлик қилди, гафлат уйқусига кетишдан, киргин ва ҳалокатлардан сақлади. Бошқа бирор санъат тури адабиётчилик ҳаёлимизни ўйрламайди, онгу шууримизда инқилоб сиза бўйсунмай қўяди, ўзи билганча ҳаракатланади, ўйлайди, ҳис этади, ҳатто ўзига ҳурмат-этибор талаб қила бошлайди. Энди уларни бирор ишга мажбурлаб бўлсиз, эркидан маҳрум этишни эса ҳаёлингизга ҳам келтирмаган, фақат жонини олиш орқалигина персонажларни яна ўз измин-гизга сола биласиз. Аммо воқеалар табиий маромини бу тарзда ўзгариштириб билан ўқувчи ишончини қозониб бўлмайди — ҳатто ҳозир ҳам қўлимга қалам олганимда, ўша илк машқлар чоғи ҳис қилган ҳаяжонли кечинмалардан қутуллолмайман. Бу кечинмалар шу қадр инжа, шу қадр соҳирки, уларни севики дилдор билан қўнлаб, ҳафта-лаб, ойлаб ўқитилган висол лаззати-гагина мўқоса қилиш мумкин.

Адабиёт — цивилизацияни сақлаб қолиш учун керак, у инсониятнинг энг яхши фазилатларини тараннум этиш орқали башар эотики қўтқаради. Та-

Стокгольм,
2010 йил 7 декабрь

Рус тилидан Собиржон ЁҚУБОВ таржимаси.

“Шеърят минтақалари”

Анна АХМАТОВА

XX аср рус адабиётининг энг машҳур намоёндаларидан бири. Унинг “Тун” (1912), “Оқ гала” (1917), “Вақт иштиоби” (1965) китоблари, А.Пушкин, А.Блок, А.Майковнинг ҳақидаги мақолалари китобларини ҳамда мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Шоира 1941—1943 йилларда Тошкентда яшаб, ижод қилган.

ГУЛЛАЁТГАН ТОШКЕНТ

Мисли қудрати-ла олий фармоннинг
Тўсатдан шаҳарга қўйилди нуллар —
Ҳаёлий шарпаде қайр хонадоннинг
Қону ўпкасига сингиди улар.

Петерис ЗИРНТИС

Латвиялик атоқли шоир. Унинг “Минг кўнгулроқ уйқуси”, “Сентябрь лирикаси”, “Дўстим ҳақида китоб”, “Бўсададаги гувоҳ”, “Қўрғонларим” каби тўпламларидаги шеърлари Европанинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

ТОКИ ИШҚ БОР ЭКАН

(Шарққа татабулар)

Сен парк булутсан, жаннатинг ҳўри,
Гўё чайқалурсан, учиб ҳалинчак,
Ҳалинчак ритшаси пок Ҳилол нури...
Шул қадр нозиксан, о, инжа малак...

Пойларимиз чирмашади мисоли илди,
Қарагининг мумларидек теглаган бадан.
Энди бизни ажратолмас ажал ҳам ҳаргиз,
Жисимимизда оқаётир олов — ишқ деган...

Уларнинг нафаси сўзу имодан
Зангори оловсиз маҳқум бирпасла.
Ангори баъздек ёнган самолан
Ариқлар тубига чўқмоқда аста.

Абдулла ШЕР таржимаси.

Елкам узра қанот қоққан икки қуш каби,
Майин-майин сирпадан қўларинг такрор.
Меҳримди, сеҳримди улар матлаби,
Кўксим ёриб чиқар Юрак — асов бир тулпор.
Оқилона ҳикматларини тинглайман гоҳи,
Бирок улар хотирамда қолмоғи қийин.
Яноғимга нафасларинг урилган чоғи,
Борлиқ ақли доғларинг фикри бир тийин...

Мухиддин ОМОН таржимаси.

Фатхулла МАЪСУДОВ:

САҲНАНИНГ АСЛ СОҲИБИ — АКТЁР

Ўзгалар дардига шерик бўлиш, бировнинг қисмати билан яшаш актёрларнинг касбу кори, балки қисмати ҳам. Актёрликни шунчаки ҳавас ёки иштиёқ эмас, тақдир тухфаси деб билган ижодкоргина юксак чўққиларни забт этади, ўз ишидан маъно топиб, хайрату завқ туяди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла МАЪСУДОВ мухлислар ишончини оқлаб, бор салоҳиятини бадий-ҳаққоний образлар яратишга сарфлаётган истеъдодли актёрлардан. Унинг қаҳрамонлари зиёли табиати, мушоҳадага бойлиги, сабр-матонати ва курашувчанлиги билан ажралиб туради. Ижодкор билан суҳбатимиз театр санъатининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, актёрлик касбининг сир-синаотлари, миллий театримизнинг бугунги қиёфаси ҳақида.



— Фатхулла ака, аксарият спектакллар чоғи ўриндикларни тўлдириб ўтирган мухлисларни кўрганда, беҳад қувонасан киши. Демак, руҳий тарбия, маънавий эҳтиёж деган тушунчалар турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораёттир. Мамлакатимизнинг етакчи театрларидан бири — Ўзбек миллий академик драма театрида фаолият олиб бораётган тажрибали актёр сифатида саҳна санъатининг шахс камолотидаги ўрни ҳақида нима дея olasiz?

— Театр санъати бекиёс қудратга эга. У жонли ҳодиса, боз устига мавжуд ҳолатни рўйи-рост намоён этишга қодир. Шу сабабданми, барча даврларда ҳам унга буюк мўъжиза дея баҳо беришган. Фан-техника ривожланиб, кино санъати пайдо бўлганида, кўпчилик “Театрнинг умри тугади”, дея узил-кесил хулоса чиқаргани бор гап. Аммо бу иддао глобаллашув феномени чўққисига чиққан аниқ замонда ҳам субъектив фикрдан нарига ўтолмайди. Театр ҳар қандай вазиятда ҳам сеҳру жозибасини йўқотмай, инсоният тафаккурининг юксак маҳсули бўлиб қолавер-

ди. Ҳамонки шундай экан, театрга эҳтиёжмандлик, театрга талаб — бу оддий зарурат эмас. Фикрловчи, зиёли инсон борки, албатта, театрнинг ҳаётбахш қудратидан баҳраманд бўлишга интилади, ҳаётда учровчи кўплаб муаммоларга театр саҳнасида жавоб ахтаради. Устоз режиссёр Баҳодир Йўлдошев шундай деганди: “Ҳақиқий спектакл тугагач, дарҳол қарсак чалинмайди. Агар шундай бўлса, бу асар томошабини ўйлашга, мушоҳада қилишга мажбур қилолмабди”. Қалбга, онгу шуурга таъсир этувчи, гўзаллик ҳақидаги тасаввур, қарашларни тарбиялаб, мавжуд андозларни батамом ўзгартириб юбуровчи спектакл бу — росмана байрам. Ижодкор учун ҳам, томошабин учун ҳам! Бугунги кунда ҳукуматимиз санъатнинг барча соҳалари қатори театрга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Ўзбек Миллий академик драма театри ташкил топганининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори бу эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Қарорда театр босиб ўтган йўл, унинг ўтмиши ва келажагига юқори баҳо берилди.

Аср билан юзлашиш Ўзбек миллий

ти, дунёқараши, гап-сўзи билан бошқалардан яқаш ажралиб турувчи жамиятнинг илғор вакиллари. Гарчи бири яқин ўтмишда яшаган буюк замондошимиз, иккинчи-

Учрашув

си бадий ҳаёлот маҳсули бўлса-да. Айтинг-чи, ижодий фаолиятингизнинг ёрқин саҳифаси бўлиб қолган ўшбу қаҳрамонлар билан сизни ҳаётда ҳам боғлаб турадиган муштарак жиҳатлар борми?

— Миллатимизнинг улуг адиби Ойбек ва адабиётимизнинг баркамол сиймоси Отабек фавқуллодда кучли шахслар. Уларнинг иродаси, маънавий жасорати, дарду изтироби ҳар қандай бағридош инсонни ҳам ҳаяжонга солади. Бундай шахслар миллият учун яшайди, ўзгалар манфаатини ўзиникидан устун қўяди. Менга шундай монументал образларни ишониб топширгани учун театр жамоасидан бир умр миннатдорман.

“Адибнинг умри” драмасидаги Ойбек образи актёрлик имкониятларини том маънода қайтадан кашф этди. Ёзиб чарчамаган, адабиётдан бўлак дарди бўлмаган адибнинг қалб изтироби, инсоний эътиқоди фикру зикрини бутунлай банд этди. Аниқроғи, қаҳрамоним дардини ўзимга юктира олдим. Драматург яратган кенг ижодий майдон кечинмага бой образни талкин этилишга ёрдам берди.

Умуман, пиесада актёрни ҳам, режиссёрни ҳам қархалайдиган кескин вазиятлар, тўқнашувлар, лирик манзара ва ижтимоий зиддиятлар талайгина. Энг муҳими, унда зиёли ўзбек фарзандининг ибратга молик умр йўли сўз ва ҳолат уйғунлигида, бадий таъсирчан шаклда очиб берилган. Шу спектаклдан кейин актёр муваффақиятини қарийб ярмини драматургик материал белгилаб беради, деган хулосага келдим.

Ўзбек романчилигининг шох намунаси — “Ўткан кунлар” асарига мурожаат

этилиши алоҳида мавзу. Гарчи спектакл хусусида турли фикр-мулоҳазалар айтилган бўлса-да, ижодий жамоанинг астойдил меҳнат қилганини таъкидлаш жоиз. Очиги, Отабек образи менга ишониб топширилганда, кўпчилик бу танловни таажжуб ва истеҳзо билан кутиб олди. Ўрта авлод вақилига айланиб бораётган актёрнинг ўзидан салкам йигирма ёш кичик йигит қиёфасида намоён бўлиши, дарҳақиқат, ажабтовур ҳодисага ўхшарди. Бирок саҳна санъатининг ёзилмаган бир қонуни бор: спектаклда ёшлар ўртасидаги тафовут ҳар доим ҳам муҳим саналавермайди. Машҳур фаранг актрисаси Сара Бернар элик ёшдан ошганда Дания шахзодаси Ҳамлетни ўйнаганига нима дейсиз!..

Отабек — Абдулла Қодирий тасаввурда чизилган, замондошларидан бир қадам олдинда юрвчи, илғор фикрли ва уйғоқ инсон, барча замонлар учун ўзига хос маънавий идеал. Энди ўйлаб кўринг, шундай образни ўйнаган актёр қандай қилиб ҳаётда лоқайд, бепарво ва сусткаш бўлиши мумкин?... Назаримда, саҳнадаги ижро актёрнинг ҳаёт тарзига озми-кўпми таъсир кўрсатади. Зеро, театр, ундаги қаҳрамонлар — тақдиримизнинг бир бўлаги.

— “Спектакл тақдирини режиссёр белгилайди. Лекин саҳнанинг асл соҳибга — актёр”. Наздимизда, шу ибора ҳамон кучини йўқотмагандек...

— Биласизми, актёр ва режиссёр бирга ижод қилса-да, уларнинг ўй-фикри, мақсад-муддаоси доимо бир нуқтада қесилмаётган. Индивидуаллик, ҳеч кимга ўхшамас дастхатни қолдириш — ҳар бир ижодкорга хос хислат. Аммо бирдамлик, бадий яхлитлиқни мезон деб билувчи театрга барча унсурлар бир гоя атрофида биришмаса, айтайлик, рассом, либос устаси, композитор ўз билганидан қолма, спектакл юқунда парокандаликка юз тутайди. Шу боис театрни режиссёр бошқаради. Таассуфки, режиссёрларнинг ҳаммаси ҳам маҳоратли бўлавермайди. Кам ўқийдиган, изланишдан эринадиган, билим ва салоҳияти етар-

ли бўлмаган режиссёрлар оз эмас. Шаҳсан ўзим устоз макомига эришиб, педагог сифатида танилган режиссёрлар билан ишлаганда, асло қийинчиликка дуч келмайман. Саҳна дунёсининг янги ҳақиқатларидан воқиф бўламан, назарий ва амалий кўникмаларимни бойитаман. Очигини айтганда, шу вақтга қайси режиссёр билан ишлаган бўлсам, барчасидан ўзим учун зарур бўлган кўрсатма ва тавсияларни олганман. Албатта, ижодкорларга хос “индивидуаллик” мени ҳам четлаб ўтмаган. Лекин индивидуалликдан воз кечиш, бу батамом муеълик, режиссёр соясига қолиб кетиш дегани эмас. Ижодкор яхши маънода “мен”ини кўрсата ола, бунга фақат олқишлаш керак. Бирок индивидуаллик “худбинлик”ка айлansa, буниси энди ортиқча.

— Замонавий театр, замонавий драматургия, замонавий қаҳрамон... Бу тушунчалар ҳақида нима дея olasiz?

— Театр замон билан ҳамнафас яшайди. Шу бугуннинг муаммоси саҳнада ифода этилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Аниқ пайтда тева-рак-атрофимизда юз бераётган ўзгаришларни ақс эттирувчи, давримизнинг фидойи, заҳматқаш инсонларини тасвирлаб берувчи спектаклларга талаб ортиб бормоқда. Бундай саҳна асарларини яратиш учун пухта драматургия, мукаммал режиссура ва маҳоратли актёрлар ихроси зарур. Замонавий драматургия ҳақида сўз кетганда айтиш жоизки, замондош инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи, ички олами оқиб берадиган янги асарларга эҳтиёж ҳамиша кучли. Сўнгги йиллар театримиз саҳнасида пайдо бўлган “Тақдир синовлари”, “Кўёш сени ўйготасан”, “Ойдин”, “Омон бўлгин, азизим”, “Иглама қиз”, “Тонг отган тарафларда” каби саҳна асарлари кенг жамоатчилик томонидан ижобий кутиб олинди. Лекин саҳнада замон қаҳрамонларига эҳтиёж сусайгани йўқ. Ёшлар учун ҳар томонлама намуна бўлишга қодир қаҳрамонлар саҳналаримиз учун ниҳоятда зарур. Зеро, замон қаҳрамонлари турли даврда яшасалар-да, уларнинг қаҳрамонлиги барча замонларга дахлдор бўлади. Минглаб авлодлар қалбига акс-садо бериб, мангу қўшиқ бўлиб яшайверади.

Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ
суҳбатлашди

Санъатимиз фидойилари

Санъат кишиларни эзгуликка, олижаноблик ва инсонийликка чорлайди. Қадим-қадимдан халқимиз миллий санъатни эъзозлаб, хушовоз ҳофизларни ардоқлаб келган. Уларнинг ашулаларини ёддан билган, овозлари эзилган пластинкаларни, уларга тааллуқли нимаики бўлса авайлаб сақлаган.



музыка санъати музейига кириб қолгандек ҳис қиласиз. Ойна-ванд жавонларга терилган катта магнит тасмаларию аудио-кассеталар, видеокассеталар, пластинкалар, дискларнинг қўпчилигидан ҳайратга тушасиз. Ноёб қўшиқлари сақланаётган санъаткорларни эса санаб адоғига етишишгиз қийин — Ф.Мамадалиев, О.Ҳотамов, К.Отаниёзов, К.Баратов, К.Исмоилова, Н.Кулабдуллаев, М.Каримов, Р.Ураимжонов, Т.Қодиоров, Ф.Умаров, К.Раҳимов, Х.Ҳамидов, Ф.Раҳматова, М.Узоқов, Ж.Раҳимов, Р.Мамадалиев... Уларнинг ҳаммасини сақлаганда катта магнит тасмалари сони 3 минг 250тага, аудиокассеталар 800тага, кичик дисклар мингтага етгиди. Пластинкалар эса битта сандиққа тўла жамланган.

ҚўШИҚҚА БАХШИДА УМР

Юртимизда ноёб музыка ва қўшиқ намуналарини асраб-авайлаб тўплаб, улардан мухлисларни баҳраманд қилиб келалётган ана шундай саховатпеша санъат фидойилари кўплаб топилди. Яқинда санъатимизнинг шундай заҳматқашларидан бири, ҳозирда кексалик гашини сураётган Махмуд ака Раимов билан танишиб қолдим.

— Яхши қўшиқларни йиғишни бошлаганимда ўн олти ёшда эдим. — Асосан хотирлайди Махмуд ака. — Десяз ҳазрат хонандалари ижро этган қўшиқлар жамланган магнит тасмаларини тўплаб боладим. Дастлаб “Днепр” 3,5 русумли магнитофонларда ўзимга керакли қўшиқларни ёзиб олардим. Концерт залларида ўтказиладиган куй-қўшиқ кечаларидан энг тинч ёзувларни дарҳол харид қилардим.

Халқимизда “Тома-тома кўл бўлур” деган ҳикмат беҳиз ай-тилмаган. Махмуджон Раимовнинг деярли 50 йилдан буён игна билан қудук қазигандек санъатимиз дурдоналарини тўплаб беришдаги заҳматли меҳнатлари бежиз кетмади. Ҳовлисидидаги узун болохонага кирсангиз, ўзингизни бамисоли

Дилшод ИСРОИЛОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмсида
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди
Тўхтабоевнинг янги асарлари
тақдими бўлиб ўтди.

ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси раиси М.Ахмедов, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир, адабиётшунос олимлар А.Расулов, У.Норматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий адабиётимизнинг равнақ топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар

навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва он-гида она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий аъёна ва қадриятларимиз

тириш, уларнинг меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақса-салига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси

2014 йил — Соғлом бола йили

га ҳурмат туйғусини мустаҳкам қарор топтиришдек эзгу мақсад-ларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу борадаги ибратли ишларда ижод аҳлини мукаммал асарлар яратиш йўлида руҳлан-

Худойберди Тўхтабоев ёшлар ва болаларнинг сеvimли адиби. Унинг болаларга хос беғу-борлик ва самимият, ёшликка хос бўлган қўшқинлик, юмор завқи билан йўғрилган асарла-

ри ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган. Улар асосида бадий филмлар суратга олинган.

Унинг яқинда “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Қиз болага тош отманг”, “Қиз талашган ўсимлар”, “Кўёлар салтанати” номли романлари мустақил йилларида воёга етган ёшлар ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари ҳақида ҳикоя қилади. Асарларда меҳр-муҳаббат, оқибат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, диёнат, орият каби чин инсоний туйғулар ёрқин об-разлар, қутилмаган ва шу билан бирга қизиқарли воқеалар

асосида талқин этилган. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг барча баҳаларига амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аввало ҳамюртларимиз, ёшларнинг онгу шуурида, кайфиятида, руҳиятида ижобий ўзгаришлар ясади, — дейди Х.Тўхтабоев. — Катта авлод вакиллари фақат орзу қилган бундай улкан ўзгаришлар, салмоқли ютуқ ва марралар ижод аҳлининг самарали меҳнат қилишига илҳом бағишламоқда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Журналларни варақлаганда

“ТЕАТР”

2014 йил, 3-сон

Журналнинг ўшбу сони янги ташкил этилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига бағишланган бўлиб, унда олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари, доцентлари ва иқтидорли талабаларининг мақолалари эълон қилинган. Институт ректори, профессор Б.Сайфуллаев билан бўлган суҳбатда таълим даргоҳида ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, эришилаётган ютуқлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз боради. Тарих фанлари доктори Абдухалил Мавруловнинг “Маданият ва ижтимоий тараққиёт” номли мақоласида Ўзбекистонда кучли демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролар маънавий олами шакллантиришда маданиятнинг ўрни таҳлил этилади.

Санъатшунослик фанлари номзоди Гўзал Холиқулова институтда олий малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари ҳақида мулоҳаза юртлас, катта ўқитувчи Мавзур Йўлдошева маданият ва санъат муассасаларига замонавий мутахассис етказишнинг асосий йўналишларини илмий жиҳатдан асослаб беради. “Санъат масаласи Шарқ мутафаккирлари нигоҳида” номли мақола муаллифи Муқаддас Аҳмаджонова Шарқ мутафаккирларининг санъат ҳақидаги қарашлари, илмий-назарий хулосалари ҳақида фикр юртади. Санъатшунослик фанлари доктори Тешабой Баяндиев Қорақалпоқ театрининг биринчи профессионал режиссёри Турен Оллоназаров ижоди ҳақида, профессор Муҳаббат Тўлаҳўжаева “Режиссура ва замонавий театр жараёни” мақоласида миллий режиссура санъатининг ривожланиш тамойиллари ва бугунги ҳолати ҳақида атрофлича мушоҳада қилади. Адабиётшунос олим Ш.Ризаев ўз мақоласида замонавий драматургияда кечаётган жараёнлар, замон қаҳрамони образини яратиш борасидаги изланишлар, театр ва адабиёт ўртасидаги муштарак алоқалар, ёш драматурглар фаолияти ва бошқа масалаларни ҳолис баҳолашга ҳаракат қилади. Шунингдек, Омонулло Ризаев, Марфуа Ҳамидова, Марям Ашурова ва Дониёр Абдуллаев, Маъмур Умаров, Шерзод Пирма-мон каби муаллифларнинг театр санъатининг турли масалалари ҳақида баҳс юритган мақолалари ҳам ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз.

Ўз муҳбиримиз.

“ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!”

маҳоратларини синовдан ўтказди. Бундан ташқари, танловда нафақат ёш истеъдод эгалари, балки эл ардоғидаги таниқли санъаткорлар ҳам ўзларининг Ватан ҳақидаги янги қўшиқлари билан иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра профессионал хонандалар ўртасида биринчи ўринга Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазонова, иккинчи ўринга Дилмурод Қурбонов ҳамда “Элдиш” гуруҳи ижрочилари сазовор бўлди. Учинчи ўринга Зилола Холтожиёва (Тошкент шаҳри), Эркин Исмоилов (Бухоро вилояти), Саъдулла Бадалов (Қашқадарь вилояти) муносиб топилди. Ҳаваскор ижрочилар ўртасида биринчи ўринга Шерали Бекмуродов (Тошкент шаҳри), иккинчи ўринга Элёрбек Рўзметов ва Севинчой Рўзметова дуэти (Хоразм вилояти), Моҳизар Нўъмонжонова (Фарғона вилояти) ҳамда Самандар Абдураҳимов (Тошкент вилояти), учинчи ўринга Ҳасанбой ва Хусанбой Ботировлар, Одинахон Абдуллаева (Наманган вилояти), Моҳира Абдуҳакимова (Тошкент шаҳри), Усмонбек Ражапбаев (Қорақалпоғистон Республикаси), Жамол Муродов ва Юлдуз Назирова

қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қарийб тўрт мингга яқин хонандалар қатнашди.

Республика босқичида ҳудудий босқичларда қилинган кўпга қиритган профессиоал ижрочилар ҳамда халқ ва намунали унвонига эга ҳавоскорлик жамоалари, академик ва халқ бадий жамоаларининг иқтидорли ижодкорлари беллашди. Ҳакамлар ҳайъати улар томонидан ижро этилган асарларнинг мусикаси, шеър матни савияси, ижро маҳорати, либослар ва саҳна маданиятини баҳолаб боришди. Унга кўра Серижан Жанахметов (Навоий вилояти), Дилдора Мирсодиқова (Тошкент шаҳри), Сададдин Сапаев (Қорақалпоғистон Республикаси) биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Шаҳноза Рашидова (Сурхондарё вилояти), Маъсум Ботбаёева (Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри), “Анор” ашула ва рақс ансамбли (Фарғона вилояти) ижрочиларига насиб этган бўлса, учинчи ўринга Дилфуза Қобилова (Бухоро вилояти), Хуршид Гадов (Самарқанд вилояти), Дилобар Рўзметова ва Назира Юсупова (Хоразм) сазовор бўлди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини байрам қилиш арафасида ана шундай поезд — «Афросиёб» қатнови йўлга қўйилди. Бу поезддаги шaroит, вагонларнинг озодлиги, ҳар бир нарсга ғоят нозик дид билан қилинган, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг (барчаси ёш йигит-қизлар) муомала маданияти кишини ҳайратга солади, қувонтиради.

Йўловчиларнинг кўпчилиги хоржиликлар. Бояги йигит-қизлар улар билан бемалол инглиз тилида сўзлашмоқда. Бу манзарани кўриб, одамнинг кўкси фахру гурурга тўлади.

Манзилга етгунча яна бир нарсга эътибор бердим. Одатда поезд йўли билан кетишадиган йўллар поезд келишидан бир неча минут олдин тўсиб қўйилади. Шу жойда машиналар йиғилиб қолади. Илгариги замонда (кўп юрганам учун авваллари ҳам эътибор қилганман) бундай ҳолда бир-икки, нари борса уч-тўрт машина йиғиларди. Бу

Ифтихор

тўйхона — истаганини, имкони етганини бемалол очмоқда, ҳам ўзига, ҳам элу юртга фойда келтирмоқда. Кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик қўллаб-қувватланмоқда. Унинг ҳуқуқий асослари бор. Президентимиз фармонлари, қарорлари, қонунлар билан уларга жуда катта имтиёзлар берилмоқда.

Шаҳарнинг озодлиги ҳар қандай одамнинг эътиборини тортади. Маълумотларга кўра, шаҳар ободончили-

шаҳарида бор бундай дорилармон замон! Бундай кунларнинг қадрига етмаслик, уни ёмон кўзлардан асраб-авайлаш учун курашмаслик мумкинми?! Йўқ, асло!

... Улуғбек мадрасасида вилоятнинг бир гуруҳ истеъдодли ёшлари билан учрашиб, суҳбатлашдик. Уларнинг кўзлари ёниб тургани, сўзларида ўз юртидан, Юртбошимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор-ғам-хўрликдан гурурланиш, миннатдорлик туйғулари балки тургани одами кувонтиради. Истеъдодли ёшлар билан айнан Улуғбек мадрасасида суҳбат ўтказишда ҳам теран маъно муҳассас. Олдинги қаторда ўтирган ўн тўрт ёшлардаги бола эътиборимизни тортди. Вилот ҳокими уни минбарга чорлади. У Булуғур туманидаги 15-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Сардор Саидкулов экан. Сардор ўзини таништириб, яқинда Жанубий Кореяда



маҳалласида югандай бўлди. Кўчалар раво, улар тартиб билан қурилган. Бир томонда минимаркет, бир ёнда сартарошхона, аёллар гўзаллик салони ва ҳоказо. Маҳалла аҳли билан суҳбатлашдик. Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган замонавий уйлардан беҳад хурсанд эканини ҳаяжон билан сўзлаб беришди. Муродилла Холражабов фарзандлари билан сартарошхона, гўзаллик салони очганини гурурланиб гапирди.

Демак, қишлоқларда ҳам мулкдорлар кўпаймоқда. Илгари қишлоқ одами сартарошхона (гўзаллик салони, деган тушунар)нинг ўзи йўқ эди) очибди, десак, ким ишонарди, ҳеч ким! Бугун бундай ишлар оддий ҳол, ҳатто одамлар ажабланмай қўйган.

Ҳа, биз бундай ўзгаришларга, одамлар хусусий меҳмонхона, ресторону кафелар, тўйхона гўзаллик салонлари, ҳатто қорхоналар очаётганига ўрганиб қолдик, уларга оддий, кундалик иш сифатида қараймиз. Аслида шу кунларга етгунча, бундай воқеалар ҳаётимизнинг оддий тарзига айлангунча қанча-қанча машаққатли йўллари босиб ўтдик. Эх-хе... Минг бора шукр, ҳаммаси ортида қолди. Халқимиз Юртбошимиз раҳнамолигида ўзи танлаган йўлдан оғишмай эзгу орзулар рўйи би учун дадил бораверади. Ўзбекистонимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан буюк давлат сифатида ўрин олишига ишонди ва бу улуг ишга ҳар бир юрдошимиз ўз ҳиссасини қўйишдан ўзини бахтиёр ҳис этди.

Самарқанддан Тошкентга

Яна «Афросиёб» тез юрак поездига ўтириб Тошкентга йўл олам. Яна уйга тойдим. Энди яқин ўтмиш ҳақида эмас, икки кун ичида Самарқандда кўрганларим, истиклол йилларида халқимиз эришган ютуқ ва марралар, ёшларимиз спорт ва санъат, илм-фан ва бошқа соҳаларда мамлакат ва халқаро миқёсда эришадиган муваффақиётлар ҳақида ўйладим. Йигирма уч йил қўнра тарих учун нима бўлибди — икки қош орасидан бир гап. Аммо шу тарихан қисқа даврда мамлакатимиз эришган ютуқларни, қўлга киритган марраларни лоақал санаб чиқиш учун неча юзлаб саҳифа қоралаш керак бўлади. Дон мустақиллиги, нефть, электр энергия мустақиллиги, миллий валютанинг, ўз автомобиллигининг (унинг турлари қанча, энгил автоомбилдан оғир юк машинасию махсус машиналарга), энгил саноатдаги ўзгаришлар — тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаётгани, бунёдкорлик соҳасидаги бетимсол ишлар, таълим, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги янгиликлар... Кай бирини санаш мумкин. Буларни наинки халқимиз, дунё аҳли кўриб турибди. Бир вақтлар бизга менсимай қараганлар энди биздан ўрганмоқда, бизнинг усулларимизни ўзлаштирмоқда. Ютуқларимизни тан олишга мажбур бўлмоқда. Чунки факт ва рақамлар ўзар бўлади, инкор қилиш қийин.

Икки кун давомида Самарқандда кўрганларим, эшитганларим ҳаёлимда жонланади. Ҳамма жойда бир нарсга эътиборимиз тортди: одамларнинг қўзидagi қувонч, юзидаги нур, кайфиятидаги хотиржамлик, ҳаётидан мамнулиги, эртанги кундан кўнгли тўқлиги. Дикҳат билан разм солдим — уларнинг кўнгли ҳам, қўзи ҳам тўқ. Одам боласининг қўзи қачон тўқ бўлади, қачонки ҳамма нарсга мўл-кўл бўлса. Бу озиқ-овқатга ҳам, кийим-кечакка ҳам, уй-жойга ҳам — ҳамма нарсга тегишли. Халқимизда «Бунинг қўзи оч, ўзи тўйса ҳам, қўзи тўймайди», деган гап бор. Инсоннинг қўзи қачон тўймайди, қачонки муайян нарсанинг тағи мўл эканига қўзи етмаса. Шукрлар бўлсинки, бугун халқимизнинг қўзи тўқ! Эртанги кундан, фарзандларининг келажагини кўнгли тўқ, хотиржам. Бу энг катта ютуқ. Чунки маълум бир одамларнинг қўзи тўқ бўлиши мумкин, аммо бутун халқнинг қўзи тўқ бўлиши осон эмас. Бунга қўллаб мамлакатлардан мисоллар келтириш мумкин.

Истиклол халқимизнинг қўзини тўйдирди. Қўзи тўқ халқим, яқинлашиб келаётган улуг байрамнинг муборак бўлсин!

Маматкул ҲАЗРАТКУЛОВ

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Умар Хайём ва Самарқана

Буюк шоир Умар Хайём (Ғиёсиддин Абул-Ғатх ибн Иброҳим ал-Хайём Нишопурий) (1048-1131) таваллудига 966 йил тўлди. Теран мазмунли рубоийлари билан шукрат қозонган шоирнинг риёзиёт, илми нуҷум ва фалсафага оид асарлари ҳам маълум. Нишопурлик қодир тикучи оиласида таваллуд толган Хайём жуда ёшлигидан математика ва астрономияга қизиққан, ўн икки ёшида мадраса толиби бўлган. Тиббий илмларни мукамал эгаллаб, моҳир ҳаким бўлиб етишган. Айни чоғда, машҳур фалакийтшунослар асарларини ҳам кўп билан ўрганган. Ота-онаси юқумли хасталикдан вафот этган, уй-жой ва отасининг устaxonасини сотиб, ўн олти ёшида Самарқандга йўл олади. Самарқанд Шарқнинг эътироф этилган илмий ва маданий марказларидан бири эди. Хайём шаҳар мадрасаларида таҳсил олиб, тез орада ноёб иқтидорини намоён этади ва муддарисликка тақлиф этилади. Орадан тўрт йил ўтган, Бухорога келиб, бой кутубхонада илмий фаолият билан шуғулланади, рубоийлар ёзади. Математикага оид трактатлари ҳам шу шаҳарда яшаган ўн йиллик ҳаёти мобайнида яратилган.

Хайёмнинг юморга бой, донишмандона рубоийлари шоир номини мангуликка муҳради. Унинг ижоди Европага инглиз шоири Эдвард Фитцжеральд таржималари туфайли кенг ёйилган. 1074 йили Хайём Исфохонга, салжукийлар султони Маликшоҳ I саройига тақлиф этилади ва маънавий устоз сифатида фаолият олиб боради. Орадан икки йил ўтиб, саройдаги энг нуфузли расадхона раҳбари бўлади. Унинг раҳбарлигида Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган қўш календар яратилган, фалакийтшуносликка доир тадқиқотлар олиб борилган. Хайём Эвклид китобида шарҳ ёзиб, бутун сонларнинг илдизини топиш йўлларини кўрсатиб беради. Само олдизлари рўйхатини ўз ичига олган «Маликшоҳ астрономия жадвали» тузилади, «Рисолатул-қавн ват-тақлиф» («Қоинот ва унинг вазифалари»), «Рисола фил-вуҷуд» («Борлик ҳақида рисола»), «Рисола фи қуллияти вуҷуд» («Борлик умумийлиги ҳақида рисола») каби асарлари ёзилади. 1092 йили султон оламдан ўтган, уни дахрийликда айблайдилар ва олим шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади.

Умар Хайём 1131 йили Нишопурда вафот этган. Унинг мақбараси обод зиёратгоҳга айлантирилган. Бухарест, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда шоирга ёдгорликлар ўрнатилган. Умар Хайём рубоийлари Ш.Шомухамедов, Ж.Қамол, Э.Очилов томонидан ўзбек тилига ўғирилган.

Петрарка муҳаббати

Уйғониш даври намоёндаларидан бири, инсонпарвар италян шоири Франческо Петрарка (1304-1374) таваллудига 710 йил тўлди. Отасининг вафотидан сўнг Петраркага Цицерон кўлёмалари мерос бўлиб ўтган. У иктисодий ноқурулги ваҳидан диний рутбани қабул қилган. Бирок шу йилларда Авиньон шаҳридаги ибодатхоналарнинг бирида гўзал Лаурани учратиб, унга бир умрга қучли муҳаббат билан боғлиқ бўлади. Ўзининг машҳур сонетларини шу кизга бағишлайди. Гарчи бор-йўғи бир неча бор учрашган, бир-бири билан дурустрок таниш бўлмаса-да, Петрарка Лаурани бутун умр эъзоз этади. Ҳатто севиклиги вабо эпидемиясидан вафот этганидан сўнг ҳам Петрарка уни қўйлашдан тўхтамайди, иккита шеърый тўпламида ҳам мадонна Лаурага муҳаббатини мадҳ этади. Петрарка лирикасида Лаура образи шу мавзудаги лирика маҳсулларидан, масалан, Дантенинг Беатричега бағишланган сонетларидан фарқ қилади. Петрарка лирикасида Лаура гўзаллик ва мукамаллиқнинг илоҳий тимсоли, шоирнинг идеали ва аниқ-тиниқ образга айланади. Бу китоб XVII аср бошларида қадар 200 мартадан зиёд қайта нашр этилган. 1354 йили ёзилган «Тантаналар» достони ҳам Лаурага бағишланган.

Петрарканинг «Менинг Италиям» асарида ватан жароҳатланган гўзал аёл қиёфасида тасвирланади. Франческо Петрарка 1374 йилнинг 19 июлида Италиянинг Падуа шаҳри яқинидаги Аркуа қишлоғида вафот этган. Ўзбек шоирларидан У.Носир, Б.Бойқубоёлов, Р. Парфи сонетларида Петрарканинг ижодий таъсирини қузаатиш мумкин. Шоирнинг бир қанча сонетлари ўзбек тилига Хуршид Даврон ва бошқа ижодкорлар томонидан таржима қилинган.

Матонатла Хемингуэй

Нобел мукофоти соҳиби, буюк адиб Эрнест Хемингуэй таваллуд толган кунга 115 йил тўлди. У оддий ёзувчигина эмасди. Замондошлари уни спортчи ва сайёх, овчи ва балиқ ови ишқибози, тўполончи ва ичкиликни хуш кўрувчи ҳамда ҳарбий муҳбир сифатида ҳам яқин билидлар. Ҳар қандай беллашувида голиб бўлишга интилан, жиддий вазият ва жоҳорлар, саргузаштлар адиб ҳаётида истаганча топилади. У «Дайкири» ва «Моҳито» коктейлларини жуда хуш кўрган. Эрнест 12 ёшга тўлганда бобоси диаметри 20 калибрили милтик соғва қилади. У мактабини учун Чикаго атрофидаги оғайинлари олдида чоғиб кетаётганини кўрган кекса хинду аёл: «Иигити, эҳтиёт бўл. Бу ўйинчоқ дуч келганини, ҳатто ўз эгаларини ҳам аямасликка ўргатган», дейди. Орадан эллик йил ўтиб худди шундай қурол Хемингуэй ҳаётига нуқта қўйган.

62 ёшли Хемингуэй ҳаётида бундай ўта ҳавфли вазиятлар кўп бўлган ва у ҳар гал тасодиқ туфайли омон қолган. Жангларда танасини 273 мина парчаси жароҳатлаган, оёғини эса пулемёт ўқлари шикастлаган. У беш марта турли авария ва етти марта ҳалокатли воқеани бошидан ўтказган. Қучли лат ейиш, суяк синишлари, бош мия чайқалишига дуч келган. Овда бўлганда икки марта зўрга омон қолган, бир марта ўрмон ёнғини вақтида ёниб кетишига сал қолган. 60 ёшида 90 килограмм вазн ва 185 сантиметр бўй-бастга эга бўлгани ҳолда 50 метр масофадан дўстларидан бири оғзига қўстирган папироснинг ёниб турган чўғини беҳато нишонга урган... Тақдир унинг бардошини истаганда синовдан ўтказган, Хемингуэй эса қаҳрамонларининг собилиги ва бардошини ўзида синиб кўрган. Унинг «Алвидо, қурол!», «Чол ва денгиз» каби қўллаб асарлари миллионлаб китобхонларнинг қўли мулкига айланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

КЎЗИ ТЎҚ ХАЛҚ

гун эса қайси жойда (у шаҳарми, посёлкамми, қишлоқми — барчасида) йўл тўсилган бўлса, турнақатор машина тизилган, айрим жойларда охири кўринмайди. Бу нимадан далолат? Бугун юртимизда автомобиллар кўпайди, мамлакатимиздаги ҳар икки оиланинг бирида энгил машина. Шўро даврида шахсий машинаси бор одамга ҳамма ҳавас билан қарарди, бинобарин, битта қишлоқда нари борса икки-учта машина бўларди. Бугун эса тескариси — нари борса икки-уч оилада машина йўқ. Мамлакатимизда ҳар йили минглаб машина ишлаб чиқарилса, кичик бизнес ва хусусий ҳамда оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, қўллаб-қувватлаб турилган бўлса — машина олади-да.

Дарвоқе, бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналар дунёнинг ўнлаб мамлакатларида хариддоргир. Мустақилликка эришганидан кейин орадан бор-йўғи беш йил ўтиб ўз автомобиллини чиқарган давлат борми дунёда? Бор ва у ҳозирча ягона! Бу — бизнинг жоҳонхон Ўзбекистонимиз!

«Афросиёб» шитоб билан Самарқанд шаҳри вокзалига кириб келди.

Вокзал... Кексаларнинг эсида бўлса керак — илгари бу сўз жуда ғалати эшитиларди. Яъни, вокзал деганда энг кир, су-пурилмаган, ювилмаган, ифлос, бетартиб, шовқин-суронли жой тасаввур қилинарди. Аслида ҳам шундай эди-да. Ҳали вокзалга яқинлашмасингиздан қандайдир қўланса хид димоққа уриларди. Борарга жойи йўқ ҳар хил қаланги-қасангилар шу ердан панох топарди. Кимнинг уйи, ҳовлиси тўзиб ётса, одамлар «фалончининг уйи вокзалга ўхшайди», дерди.

Поезддан тушар эканман, ўша йиллар ҳаёлимга келиб, атайин вокзални айландим, деярли барча хоналарни кўздан кечирдим. Хусусан, ўша замонларда ифлослигидан, бадбўйидан одам боласи яқинлашиши қийин бўлган, аммо зарурат туфайли киришга мажбур бўладиган хоналар бугун қандай экан, деган уй билан ўшандай жойларга ҳам кирдим. Очиги, тоза, озода бўлса керак деб ўйлагандим, аммо бу даражада ораста, чинидай ялтираб туришини тасаввур қилмаган эдим. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида шундай хоналарни кўрганам ва ҳавасим келгани рост. Бугун Самарқанд вокзалидаги тартиб, озодлик ва саришталиқни кўриб, гурур ва қувончдан юрагим ҳаприкди. Дунёга машҳур шаҳарлардаги шунақа қошоналардан ортқи бўлса ортқи, кам эмас. Ичимдан бир нидо келди: «Бўлар экан-ку!»

Ер юзининг сайқали

Самарқандга берилган бу таъриф бугунги кунда яна ҳам мосроқ, яна ҳам ўринлироқдай кўринади. Чунки истиклол йилларида Самарқанд қиёфаси тубдан ўзгариб, мутлақо бошқача, яъни қадимийлик ва замонавийлик тош маънода уйғунлашган мўъжизакор шаҳарга айланди. Ўн-ўн беш йил олдин бу ерга келган одам бугун уни танилмайди. Юртбошимиз ташаббуси билан халқимизнинг бу қадимий шаҳарни қайта туғилди, десак хато бўлмас. Шаҳар кўчаларининг кенгайиши, бири-биридан гўзал ва маҳобатли маъмури, ижтимоий, маърифий бинолар, турар-жойлар, хушхаво хиббонлар инсон кўзини қувнатади, дилини яйратиб, қалбида гурур-ифтихор туйғуларини оширади. Атрофда диққат билан разм солсангиз, бугунги Самарқанд дунёнинг энг машҳур шаҳарларидан сира қолишмайди. Уэр, Самарқанд улардан ортқи, Чунки қўллаб замонавий шаҳарларда тарихий обидалар, осмонўпар миноралар, ҳар бир гишти та-

ги билан уч мингга яқин одам шуғулланар экан. Кўчалар бўйларидидаги ранг-баранг гуллар, уларга ғоят дид билан шакл берилгани ҳайрату ҳавасга лойиқ.

Одатда йерик шаҳарлар тунда янада жозибали кўринади. Дунёдаги кўплаб



машҳур шаҳарларда кечаси сайр қилиб бунга гувоҳ бўлганам. Аммо Самарқанднинг тунги жозибаси, жамолини ҳеч қандай шаҳарга ўхшатиб, менгзаб бўлмайди. Тунги Самарқандда қандайдир сеҳр бор, таърифлаб бўлмас илоҳий қудрат бор! Биргина Регистон майдонини, унга туташ куйловчи фавворани кўрган одам бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Куйловчи фаввора ўрнида илгари арок заводи ва эски ҳаммом бўларди. Атрофга таралган қўланса хиддан яқинига йўлаб бўлмас. Бугун куйловчи фаввора атрофидидаги микроклим кишига хуш кайфият бағишлайди.

Регистонни таърифлашга тили сўз очиз. Буюк аждодларимизнинг ниҳоятда юксак диди, бунёдкорлик салоҳияти самараси бўлган бу мажмуа жаҳонда ягона. Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасалари тунда турфа чиқоқлар, нурлар ёғдусида шу қадар гўзал, шу қадар фусункор... Унга термулиб ўтирарканман, шу юртда туғилганимдан, шу Ватанда умргузаронлик қилаётганимдан Яратганга шукроналар келтираман. Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 23 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақидаги қароридида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган шоирнинг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англагандай бўлман. Гўзал Ўзбекистоннинг дурдонаси бўлган Самарқанднинг гавҳаридир Регистон!

Тунги Самарқандни сайр қилар эканмиз, яна бир нарсга алоҳида эътиборимиз тортди. Вақт тунги бирга яқинлашган. Регистон ҳам, куйловчи фаввора олди ҳам, йўлбарслар хиббони ҳам, бошқа хиббону кўчалар ҳам гавжум эди. Эътибор беринг, ярим тунда шаҳар кўчалари одамлар билан гавжум. Бу нимадан далолат? Юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг амалдаги ёрқин кўриниши эмасми бу?! Бугунги нотинч замонда дунёнинг қўллаб мамлакатларида, шаҳарларида қишлоқларида одамлар наинки кечаси, ҳатто кундузи ҳам бемалол сайр қилиб юролмайдди. Қаердан, қандай фалокат келишини билмайди. Яратганга беадад шукрки, бизнинг Гўзал Ватанимизнинг барча шаҳару қишлоқларида одамлар куну тун фарзандлари билан сайр қилиб, хордиқ чиқариши мумкин. Тунги Самарқандда сайрга чиққанлар йўл четида қўйган машинасини қўлфламаганига эътибор қилим.

Дунёнинг яна қайси мамлакатию қайси

нинг биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз (Мирзо Улуғбеклар мисолида), кам эмасмиз (бугунги тараққиёт бунга асос) ва кам бўлмаймиз ҳам (Сардорга ўхшаган юзлаб минглаб истеъдодли болаларга таяниб) деган фикрлари нақадар асосли, чуқур маъноли ва ҳаётий эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим...

Вилоят ҳокимининг тақлифига биноан Оқдарё туманидаги Пўлатдархон мавзесида замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйлари бориб қўрдик. Йўл-йўлақай ҳоким вилоятда қишлоқ ҳўжалиги, саноат, ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Одамларнинг ерга, меҳнатга, энг муҳими, элу юрт тақдирига дахлдорлик муносабати ўзгаргани, эртанги кунидан кўнгли тўқ экани ҳақида гапирди. Йўл четидаги боққа ишора қилиб: «Мана бугунги ташкил этилган интенсив боғлар. Ҳозир

шу боғларнинг ҳар гектаридан 50-55 тонна олма олмақда фермерларимиз», деди. Биз ҳайратдан ёқа ушладик. Дарахтлар пакангина бўлса, қандай қилиб шунча ҳосил олиш мумкин? Тўхтаб боғ ораладик. Дарахтларнинг баланглиги икки-икки ярим метр келади. Шигил мева қилган. Бемалол ердан туриб териб олиш мумкин. Бу ҳар жиҳатдан қулай — олма қоқилса, ерга тушиб заха ейди ва бу олмани узоқ сақлаб бўлмайди. Бахайбат дарахтининг шоҳига чиқиш ҳавфли, сини кетиши ҳеч гапмас (болалигимизда тўртта олма оламан деб, баланд дарахтга тирмашиб, гоҳида йиқилиб у ер-бу еримизни қашқа қилганларимиз ёдимга тушиб, қулимсирадими). Интенсив боғлардаги олмаларни бемалол қўл узатиб авайлаб териб олиш ва жойлаш мумкин экан.

Бундай навли қўчатлар аввалига хориждан келтирилган, ҳозир вилоятнинг ўзида етиштирилаётган экан. Гурурланмай, қувонмай бўладими?!

Пўлатдархон мавзесига кириб, шаҳар



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулҳеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Боснишга топшириш вақти — 20.00. Боснишга топширилди — 19.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4741 Буюртма Г — 858. Ҳажми — 3 босма тибак А-2.
Нашр қўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

